


**● Мисрда аҳолиси кўп бўлган саккизта энг йирик мусулмон давлатларининг саммити бўлиб ўтди. Таркибига Бангладеш, Индонезия, Ироқ, Нигерия, Туркия, Миср ва бошқалар кирган бу анжуман қатнашчилари жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнини ривожланаётган давлатларга кўрсатаётган салбий таъсири муаммоларини ҳал этиш йўлларини муҳокама қилдилар. Анжуман жаҳон мамлакатларига қарата «Қоҳира декларацияси»ни қабул қилди.**

* * *

● Тожикистон пойтахти Душанбеда Қозоғистон ва Тожикистон ҳукуматлараро тузилган иқтисодий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда 1998 йилнинг октябрида Остонадаги учрашувда қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётганлиги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек иккала мамлакат ўртасида ҳукумат ахборот алмашиш тўғрисидаги янги протокол ҳам имзоланди. Қозоғистон делегациясининг раҳбари Д.Аҳмедов ушбу учрашувда иккала томон учун зарур бўлган бир қанча масалалар ҳал қилинганлигини таъкидлади.

* * *

**● Россиянинг собиқ мудофаа вазири генерал Павел Грачёв «Московский комсомолец» газетасининг мухбири Дмитрий Холодовнинг ўлдирилишини кўриб чиқаётган Москва ҳарбий округ судига чақирилди. Судда собиқ вазир журналистни ўлдириш учун у ҳеч қандай кўрсатма бермаганини, ҳарбий темада ёзадиган мухбирга армияда бўлаётган ўзгаришлар ва қайта қуришларни тушунтириб қўйиш лозимлигини айтганлигини таъкидлади.**

* * *

● Мана бир асрдан ошдики, Вена Фанлар академиясининг архивида тарихий шахсларнинг овози ва дунё халқларининг қўшиқ ва мусиқалари сақланиб келинмоқда. Ҳозирда бу ердаги ана шундай ноёб материалларнинг сони 50 мингдан ортиқ бўлиб 7 минг соатни ташкил этади. Ёзувли тасмаларни бир киши 300 кун давомида муттасил тинглаганда адоғига етиши мумкин.

* * *

**● Якшанба куни Молдавияда парламент сайлови бўлиб ўтди. Коммунистлар бу сайловда кўпчиликнинг овозини олишга муваффақ бўлдилар. Молдавия коммунистларининг етакчиси Михаил Воронининнинг «Маяк» радиостанцияси мухбирига берган суҳбатига қараганда улар рус тилига иккинчи давлат тили мақомини беришга эришиш ва республикани Россия-Белоруссия иттифоқига киритиш ниятидалар.**

* * *

● Туркия президенти ва бош министри ўртасида бўлиб ўтган можаро мамлакат пул бирлиги лирани қадрсизланишига олиб келди. Лира бир неча кун ичида қарийб қирқ фоизга қадрсизланди. Молиявий инқироз натижаси ўлароқ мамлакат четдан оладиган 11 миллиард доллардан маҳрум бўлган.

* * *

**● Афғонистоннинг катта қисмини ўз тасарруфларида ушлаб турган толибларнинг расмийлари мамлакат ҳудудида ўрнатилган ҳайкалларни шу жумладан умуминсоний аҳамиятга эга бўлган Будданинг жаҳондаги энг баланд 53 метрли ҳайкалини ҳам бузиб ташлашга қарор қилишган, деб хабар берди «Озодлик» радиоси.**



**Жаҳон матбуоти материаллари асосида ўз мухбиримиз**

---

*Анжуман*

# ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкентда «Миллий ғоя - бизнинг ғоя» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, пойтахт шаҳар ҳокимияти ҳамда Республика байналминал миллий маданий маркази томонидан уюштирилган анжуман Ватан тушунчасининг барча миллатлар учун ягона эканлиги, мамлакатимиздаги барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эгалиги, миллий истиқлол ғояси ҳамма учун қадрлилигини тараннум этди. Семинарда республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари А.Болиев, ҳуқуқшунос олим Ҳ.Одилқориев, Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Р.Акромовларнинг маърузалари тинглангач, пойтахтдаги 279-мактаб ўқитувчиси Т.Острицова, М.Улуғбек туман меҳнат бўлими нозири Н.Шиманори, Корейс миллий маданий маркази вакили Г.Ким, Озарбайжон миллий маданий маркази раҳбари И.Мамедовлар «Миллий ғоя - бизнинг ғоя» доирасида қисқача маъруза қилдилар. Мазкур вакилларнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон диёрида қандай миллат ва элатлар яшаётган бўлса, барчаси шу юрт равнақи, тараққиёти олдида ҳақдор ва маъсулиятли эканликларини изҳор этдилар.

Мухбирингизнинг «Юртимизда илгари сурилган миллий ғоя ва истиқлол мафкураси сизнинг қалбингизга қанчалик яқин?» деб сўраган саволига Балгар миллий маданий маркази пойтахт шаҳар бўлими раиси Николай Тодоров шундай жавоб берди:

- Тақдирнинг тақозоси билан менинг ва менга ўхшаган юздан ортиқ болгар оилаларининг туз-насибаси Тошкент билан чамбарчас боғлиқ. Биз шу ерда фарзандлик бўлиб палак отдик, невара-чевараларимиз шу ерда туғилган. Шундай экан, миллий истиқлол ғояси кўплаб миллат вакиллар қатори биз - болгар халқи хоҳиш-иродасини ҳам тўлиқ ифода этаётганидан мамнунмиз. Ўзбекистондаги тинчлик ва миллатлараро тотувлик абадий бўлишини барчамиз истаймиз ҳамда бу йўлда саъй-ғайрат кўрсатишда чарчамаймиз.

**Нодир АЛИМОВ, «Mahalla» мухбири.**



*— Юрт бойлиги сизлар билан тўкис, болажонларим*

**Р.НУРИНБОЕВ олган сурат**

---



# РЕГИСТОНДАН ШИКОЯТЛАР ЁРДИРАЁТГАН ОҚСОҚОЛ



Шикоят ёзишда Самарқанд шаҳар Сиёб тумани Регистон маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси И.Солиевнинг олдига тушадиган оқсоқол бўлмаса керак. Унинг республикамиздаги юқори ташкилотларни «зиёрат қилиб» юрганига анча вақт бўлди. Бормаган ташкилоти ҳам қолмагандир. Биргина бизнинг таҳририятга неча марталаб келиб, дардини «достон» қилиб кетган. Қўнғироқлашиб ҳам чарчагани йўқ. Келиб-кетишдан ва қўнғироқ қилишдан ташқари, бизни унутмай ёзиб турган «жалоба», «Открытое заявление», «Заявление»ларининг (бу оқсоқол фақат русча ёзади) ўзи ҳам бир неча китоб бўлгулик. Ахир ҳар бир ёзилган мактуб 10-15 варақдан иборат бўлгач... Агар бу шикоятларнинг ҳар бирининг нусхаси камида 8-10 та ташкилотга юборилганини ҳисобга олсак, Самарқанд ва Тошкентдаги кўплаб ташкилот мутасаддилари айнан И.Солиев «ижоди» туфайлигина зерикмай ўтиришганини ҳис қилиш мумкин.

Оқсоқол шикоятини ўқиб тугатмасимиздан кейингиси семиз-семиз конвертларда келаверади. Тўғриси, баъзан бу хатнинг кўплаб идоралар номига йўлланганлиги эътироф этилганлигини сезиб, уни тегишли ташкилотларга жўнатиб ҳам қўя қоламиз.

Хўш, отахон нимадан норози? Уни шунча койинишига сабаб бўлувчи ё шаҳар, ё вилоят миқёсида каттагина муаммо қийнаётган бўлса керак-да, деб ўйлайсиз. Йўқ, унинг муаммоси ўзи бошлиқ маҳалла ходими билан боғлиқ. Ўз маҳалласининг ўзига бўйсунувчи «Меҳнаткаш» деб ном олган ширкат хўжалиги бошлиғи Т.В.Горячева билан бўлган курашининг бир кўриниши аслида бу мурожаатлар.



Мурожаатларнинг мазмунидан келиб чиқадиган унинг хулосаси аниқ: Т.В.Горячева ўз вазифасига нолойиқ, у бу вазифадан озод этилиши керак. Кўп йиллардан буён оқсоқолнинг бутун Самарқанду Тошкентдаги юқори ташкилотлар идоралари эшигида туриши, ёзма мурожаат қилишининг сабаби шу. Бу хатлардаги ҳужжатлар билан танишиб, Регистон маҳалласи фаолларига, аҳолисининг сабр-бардошига ҳам қойил қолиш керак. Негаки, бу маҳалланинг икки бошчиси бир-бирини қоралаш учун аҳолини тўплаб ўтказган йиғилишларининг ҳисоби йўқ. Эътиборли томони шундаки, бу йиғилишларни ким уюштирса ўша йиғилишга раис бўлади ва баённомага ўз имзосини қўяди. Якунида шикоят матни «ижод» қилинади.

Ўйлаб қоласан, нега бу шикоятларга барҳам берилмаяпти? Нега шу шикоятлар асосида қонуний текширув ўтказилиб, ҳақнинг ҳақлиги айтилмаяпти? Оддий ҳақиқат: агарда И.Солиевнинг айбномалари тасдиқланса, Т.В.Горячеванинг жазоланиши, агар булар ўз исботини топмаса, И.Солиев оқсоқол сифатида ўз обрўйини йўқотган ҳисобланиб, туҳматлари учун жазо олиши нега қийин кечяпти?

Оқсоқолнинг бизга йўллаган навбатдаги бир йўла 8 та идора номига йўлланган, «Открытое заявление»сини ўқимасданоқ унинг «номалар жамламаси»га ташламоқчи эдигу (чунки уларнинг мазмуни бир хил-да), лекин бизни ундаги бир қоғоз илова тўхтатиб қолди. Бу Сиёб тумани ҳокимининг «Меҳнаткаш» уй-жой мулкдор ширкатининг раиси Т.В.Горячева ишлаб келаётган вазифасига нолойиқ деб топилиши ва ширкат раислигига номзоднинг тайинланиши ҳақидаги фармойиши эди. И.Солиевнинг русча номалари таъсириданми, биз ҳам «Наконец-то» деб юборибмиз. Яъни Регистон «достонлари» тугашидан хурсанд бўлиб кетибмиз. Кейин бу хатнинг қолганини ўқидик. Унда Т.В.Горячеванинг «қилмишлари» яна бир бошидан санаб ўтилиб, ҳатто жинояти очилгани айтилибди. Хуллас, бу хатни қайтмас қилиб, изидан тош отиб, «архив»га узатдик.

Йўқ, шошилган эканмиз, И.Солиевдан яна хат келди. Бундан биз арзи-доднинг мазмуни билан танишиб, ёза-ёзнинг қайтадан бошланганини сезиб, таҳририятнинг ушбу очиқ номасини Самарқанд шаҳар мутасаддилари эътиборига ҳавола қилишдан ўзимизни тўхтата олмадик. И.Солиевнинг бу хатида айтилишича, умумий йиғилишда ширкатнинг янги раиси сайланган. «На этом казалось бы вся процедура об освобождении одного лица и утверждении другого лица закончено. О, нет! ...Горячева Т.В. становится озлобленной и готова идти на всякие шантажи и провокации» дейди И.Солиев. Т.В.Горячева ҳам йиғилиш ўтказиб, ўзини яна «тайинлаб» олган эмиш. Айни пайтда у И.Солиев билан «нома» ёзишда баҳслашаётган экан. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ширкат раисининг ўзаро кураши яна авжга чиққан.

Ўйлаб қоласан, киши. Гўёки Регистон иккалови учун кураш майдони, уларга қозилик қиладиган на кимса, на идора йўқ. Бу ҳолни кўриб, текширув, назорат, давлат вакиллик органларининг ҳеч бўлмаса, ғаши келмаётганига ҳайрон қоласан. Ахир бу ҳолат ҳар икки шахснинг ҳам ўз вазифасидан ўзларини анчадан буён озод қилиб қўйишганини билдирмайдими? Айниқса, бугунги кунда уларнинг бир-бирига отаётган таъна тошлари маҳалла аҳолисининг тинчини бузаётганига ҳам шубҳа йўқ. Қолаверса, Регистондек табаррук ном билан юритилаётган маҳалла аҳли билан ишлаши лозим бўлган бу икки шахс қачон бир-бирини енгиб бўлади-ю, қачон маҳалла ишини қилади?

---

*Мустақил юрт қишлоқлари*

# ШЎРЧИДА ШУНДАЙ ҚИШЛОҚ БОР...

***Бугунги кунда маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинининг обрўсини нима белгилайди? Ҳудудининг кенглигими, аҳолисининг кўплигими?***

Бизнингча, ҳар қандай маҳалланинг обрўси аҳолисининг сонию ҳудудий кенглигига эмас, фуқароларининг аҳиллигию, ҳаётининг фаровонлигига кўра белгиланади. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини олтита маҳаллани бирлаштирган. Ишсизлик муаммоси айниқса қишлоқларимизда сезиларли бўлиб турган бир пайтда, бу ерда ўн олти минг кишилик аҳолининг қарийб 90 фоизи иш билан банд. Чунки қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 3 та оёқ-кийим таъмирлаш, 2 та радио-телевизор созлаш устахоналари, айнан маҳаллалар қошида фаолият кўрсатувчи 3 кутубхона, 3 та стадион, 6 та дўкон, 4 та чойхона, ўнга яқин тегирмону 3 та обжувозхона тўлиқ ишламоқда. Демак, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ва маиший хизмат кўрсатиш борасидаги муаммоларнинг ҳал этилиши туфайли, бошқа бир муаммо - ишсизлик муаммосига барҳам берилган. Бундан ташқари, қишлоқда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштирадиган қарийб 43 нафар деҳқон-фермер хўжалиги бор. Шубҳасиз, бу рақамлар ортида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Раҳимовнинг, Тўра Алибоев, Гулбой Юсупов каби тиниб-тинчимас маҳалла оқсоқолларининг саъй-ҳаракатлари ётибди. Қолаверса, бу ҳолат қишлоқда заҳматкаш инсонларнинг кўплигидан далолатдир. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалиги ташкил этиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўзи бўлмайди. Ўрол Раимов бошлиқ фермер хўжалиги йилига 30 тонна сут, 4,5-5 тонна гўшт маҳсулотлари етиштирмоқда. Шунингдек, хўжалик ҳисобида 15 гектар экин майдони бўлиб, ғалла ва пахтадан олинаётган ҳосил кўрсаткичи йилдан-йилга ортиб бормоқда.



Қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшлар тарбиясига эътибор алоҳида. Ундаги олтита мактабнинг ҳар қайсиси алоҳида ўз стадиони, ва кутубхонасига эга.

Хуллас, айни кунларда Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси бир қатор улуғ айёмларни - Наврўз, айниқса Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини ҳамжиҳатликда, ҳар соҳада ижобий ўзгаришларга эришган ҳолда кутиб олишга интилиб яшамоқдалар.

**Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.**
**Суратда: Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин РАҲИМОВ.**



*Хонадон нон иси*

---

*Маҳаллада фуқаро муҳофазаси*

*1 март — фуқаро муҳофазаси куни*

# МУҲОФАЗАГА КИМ БИРИНЧИ КЕЛАДИ?

* ***Дунёда фалокатлар туфайли йилига 2 миллион одам нобуд бўлмоқда***
* ***Оқсоқол фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳамдир.***
* ***Бошқа ёрдам келгунча маҳалла биринчи халоскордир.***

Фавқулодда вазиятлардан бевосита ва билвосита кўрилаётган моддий зарар миқдори дунё иқтисодиётида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 4-5 фоизи миқдорида баҳоланмоқда.

Аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш масаласининг муҳимлиги, охирги йилларда шу йўналишда мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларида ва соҳани долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларида ўз ифодасини топган.

«Фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига кўра қишлоқ, маҳалла йиғини раислари ўзлари яшаб турган ҳудудда фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ҳисобланадилар ва маълум ваколатларга эгалар, аҳоли ўртасида муҳофазаланиш бўйича иш олиб боришга жавобгар ҳисобланадилар.

Фуқаро муҳофазасидаги ишларда ижобий натижаларга эришиш учун маҳалла, қишлоқ ҳудудида яшайдиган аҳоли қуйидагиларни билиши муҳим ҳисобланади:

- нимага тайёрланиш кераклигини;
- ҳудудда қандай ҳодисалар юз бериши мумкинлигини;
- ўзининг имкониятларини ва заиф томонларини;
- эҳтимоли бўлган фалокатларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни;
- фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш юзасидан ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашиши (воситаларни жамлаш, ҳимоя иншоотларини қуриш, қутқариш ва ёрдам бериш борасидаги билимларни эгаллаши зарурлигини).

> ***«Фуқаролар фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишга ва тегишли тайёргарликдан ўтишга мажбурдирлар»***
>
> **«Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси**

Бу ишда фуқаро муҳофазаси бўйича маслаҳатхона бўлимларини ташкил этиш катта ёрдам бериши мумкин, улар ҳар бир ўзўзини бошқариш органларида доимий фаолият кўрсатиши керак. Бу хоналарда фуқаро муҳофазасига оид бурчак ташкил этиш лозим. Бундан ташқари шу ҳудудда яшовчи аҳоли сони ва таркиби, муҳандислик коммуникациялари, уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳам берилиши керак. Шунингдек ҳудудга хос бўлган содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, аҳоли яшаш жойига ёндош хавфи бор объектлар, транспорт воситалари (шу жумладан шахсийлари), шу маҳаллий ҳудудда яшовчи техник йўналишдаги мутахассислар ва тиббиёт ходимлари сони тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши даркор.

Маҳалла ҳудудида яшовчи кўнгиллилардан тузилган йўналишлар бўйича фаолият кўрсатадиган гуруҳларни тузиш ва улар билан машғулотлар ўтказиш жойларда анча самара беради.

Кўнгиллилар, ўз вазифаларини билиб олганларидан сўнг, аҳоли ўртасида керакли ишларни олиб борадилар. Ишда ижобий натижаларга эришиш учун маҳалла ҳудуди кичик ҳудудларга (секторларга) бўлинади ва уларнинг ҳар бирига 1-2 та кўнгиллилар бириктирилади. Натижада ҳар бир кичик ҳудудда (секторда) 6 та ёки 10 тагача кўнгиллилар иш олиб боришларига имкон яратилади.

Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган кўнгиллилар гуруҳи билан Қизил Ярим Ой Жамияти ҳудудда яшовчи аҳолига дастлабки ўзига ва бошқаларга тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш бўйича машғулотлар ва тактик - ўқув машқ ўйинлари ўтказади.

Аҳоли яшайдиган у ёки бу ҳудуднинг табиий ва техноген хусусияти фавқулодда вазият таъсири туфайли зарар кўриши турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли аниқ вазиятни, содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисани баҳолаш мезонига қараб фалокат-қутқарув ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълум йўналишда ҳаракат қилувчи кўнгиллилар гуруҳлари сони ва уларнинг таркиби аниқланади. Бу гуруҳларнинг бажарадиган ишларининг хусусияти фавқулодда вазиятнинг турига қараб фарқ қилади. Жумладан, ҳудудни сув босиш хавфи туғилса, алоқа, ахборот ва хабар бериш гуруҳини ташкил этишга ва аҳолини хавфсиз жойга кўчириш масалаларига катта эътибор берилади.

Ер қимирлаш хавфи бўлганда эса - кўпроқ эътибор, вазиятни баҳолаш, қутқариш ва жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳларига қаратилади.

Маълумки, ҳар қандай фавқулодда вазият кўламига ва содир бўлган вақтига қараб турли оқибатларга бино ва иншоотларнинг бузилиши ва вайрон бўлишига, одамларнинг жароҳатланишига, ёнғинлар, сув босишлар ва ҳакозолар бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари ҳар қандай фавқулодда вазият оқибатини бартараф қилиш учун, фуқаро муҳофазаси кучлари ёрдамга келгунча, маҳаллада яшовчи фуқароларни қутқарув ва тиклов ишларига жалб қилишлари керак.

Зарур бўлганда яшириниш жойи сифатида маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб, касалхона, маъмурий бинолардаги муҳандислик - техник иншоотлари, яъни мавжуд панажойлардан фойдаланса бўлади. Уларни яроқлилиги ва фойдаланишга тайёрлиги шу муассасалар мутасаддилари масъулиятни қай даражала тушунишларига боғлиқ.

**Миржалил ЮНУСОВ, Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор.**
**Зокиржон БОЙЧИБОЕВ, кафедра катта ўқитувчиси.**

---

*Тадбир*

# ЭЛ ТИНЧЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

*Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олийгоҳида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар, Олий ва Ўрта махсус таълим ва халқ таълими вазирликларининг фуқаро муҳофазаси масалаларига бағишланган дастурига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Институт фуқаро муҳофазаси бошлиғи - олий даргоҳ ректори Азиз Оппоқович Тўраев бу борада ўқитувчиларни пухта тайёрлаш лозимлигини таъкидлади Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар Бошқармаси бошлиғи, полковник Э. Икромов олийгоҳга таклиф этилиб, институт ходимларини фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва шу масалалар бўйича Республикамиз ҳукумати қарорлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Институтда шу соҳа бўйича катта ўқитувчи лавозими тасдиқланди.*

*Талабалар корхоналарда ўтказилаётган тактик махсус машқларга жалб этилмоқда.*

*Тошкент шаҳар «Қутқариш хизмати» мутахассислари олийгоҳ талабаларига махсус машқларни ўргатмоқдалар.*

**Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар бошқармаси ахборот маркази.**

